



Андижон қирғини гувоҳи БМТга шикоят қилди

🕒 12 Май 2014 | 🗨️



🔗 Баҳам кўринг

Голландияда бошпана топган Хусанбой Рўзиев юзлаб намоёнчиларнинг ўлими юзасидан Ўзбекистон ҳукуматидан ҳисоб сўрашни талаб қилган андижонлик биринчи қочқиндир.

Андижон воқеаларининг навбатдаги санаси арафасида тақдим этилган шикоят аризаси Париждаги "Ўтюралар клуби" инсон ҳақлари ташкилоти ҳамда АҚШда жойлашган "Ҳуқуқий ташаббус-очиқ жамият" гуруҳи томонидан тайёрланган.

Бирлашган Миллатларнинг Женевадаги Инсон Ҳақлари Қўмитасига топширилган аризасида 41 ёшли Хусанбой Рўзиев 2005 йилнинг 13 майида Андижонда юзлаб беғуноҳ инсонларнинг ўлимига олиб келган воқеаларга гувоҳ бўлгани ва ўзининг Ўзбекистон ҳибсхонасида шафқатсиз қийноқларга тутилгани ҳақида ҳикоя қилади.

Хусанбой Рўзиев қонли воқеаларгача "акромий" дея тамғаланган тадбиркорлардан бирининг ун ишлаб чиқариш корхонасида меҳнат қилган.

У ўз раҳбарига қарши кўрсатмалар бериш учун "даҳшатли қийноқлар"га тутилганини айтади.

У бугунги кунда оиласи билан Голландияда истиқомат қилади.

Хусанбой Рўзиев 2010 йилда ўз бошдан кечирганлари ҳақида Би-би-сига гапириб берган.

Ўзбекистон ҳукумати Андижонда исломий исёнчилар ҳокимиятни босиб олишга урингани ва аксарияти террорчилардан иборат 187 кишининг ҳалок бўлганини айтади.

Гувоҳлар ва инсон ҳуқуқлари ташкилотларига кўра эса, бундан 9 йил аввал Президент Каримов ҳукумати Андижонда адолат талаб қилиб чиққан юзлаб, асосан қуролсиз намоишчиларни ўққа тутган.

Би-би-си Хусанбой Рўзиевнинг шикоят аризаси ва Андижон воқеалари ҳақида Парижда яшаётган ҳуқуқ фаоли Мўътабар Тожибоева билан суҳбатлашган.

Бу ҳикояни баҳам кўринг Баҳам кўриш ҳақида



Асосий воқеалар



"Сиёсий тизим кенгаймаса
Ўзбекистонда ижтимоий
портлаш бўлади"



Азиза Узоқова: ёлғон хабари
учун ЎзАни судга бермоқчимиз



Андижонда ҳижобли
абитуриентлардан ҳужжат
қабул қилинмаган



Sahifa xaritasi

News

Sport

Weather

Radio

Foydalanish shartlari

BBC haqida

Shaxsiy ma'lumot siyosati

Cookies

Accessibility Help

Parental Guidance

Bi-bi-si bilan bog'laning

Get Personalised Newsletters

Биз билан реклама қилинг

Реклама танлови

Copyright © 2018 Би-би-си. Bi-bi-si tashqi saytlar uchun mas'ul emas **Tashqi saytlar linklariga munosabatimizga doir**